

МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДА ТАРЖИМА АДАБИЁТИНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14262222>

Ойдин Турдиева Зафардиновна
филология фанлари доктори
Тошкет давлат шарқшунослик университети,
Эроншунослик ва ағоншунослик олий мактаби доценти
oydinturdiyeva21@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақола форс ва Гарб маданий алоқалари ривожида бадиий таржиманинг аҳамияти, тарихи, бугунига оид масалаларга бағишиланган.

Калим сўзлар: адабий алоқалар, бадиий таржима, Гарб адабиёти, адабий-назарий тафаккури, бадиий дид

Аннотация: Данная статья посвящена значению, истории и также современным проблемам художественного перевода в развитии персидско-западных культурных связей.

Ключевые слова: литературные связи, художественный перевод, западная литература, литературно-теоретическое мышление, художественный вкус

Annotation: This article is devoted to the meaning, history and modern problems of literary translation in the development of Persian-Western cultural relations.

Keywords: Literary connections, literary translation, Western literature, literary theoretical thinking, artistic taste

Бутун дунёга ўзининг шонли адабиёти билан танилган форс адабиёти замонавий даврда ҳам тахминан юз йиллик даврни босиб ўтди. Табиийки, мумтоз анъаналардан воз кечиб, замонавий адабиёт оламига қадам қўйиш осонлик билан содир бўлмади. Янги типдаги адабий жанрлар Эрон адабиётига кириб келгунича, XIX иккинчи ярмидан то XX аср 20-йилларигача бўлган давр орлигига адабиёт жанрлар борасида Ҳамид Абдуллоҳиён ибораси билан “چهار گўл” – “тўрт қадам” ташладики, бу “тўрт қадам” замонавий насрчиликнинг Эрон адабиётига кириб келишини таъминлади. Бу “тўрт қадам” адабиёт кўринишлари бўлиб, улар қуйидагидан иборат: 1. Таржима асарлар; 2.

Сафарнома; 3. Публицистик турдаги кичик насрий асарлар; 4. Тарихий романлар.¹

Биз ҳам Ҳ.Абдуллоҳиённинг ҳикоя жанрининг форс адабиётига кириб келиши тўғрисидаги фикрларига қўшилган ҳолда мазкур мақолада форс адабиётидаги таржима асарлар тўхталиб ўтамиз. Зеро бадиий таржима эса адабиётнинг ажralmas қисмидир. Таржима адабий алоқа ва ўзаро таъсирининг энг фаол, энг оммалашган ва энг маҳсулдор формасидир. Таржима дўстлик илмидир, таржима узоқни яқин қилади, таржима ўзгани биродар, танишни қадрдон, дўстни қариндош қилади, шунингдек таржима маданиятлараро мулоқотнинг муҳим воситасидир.

Таржима асарлар Эронликларни ғарб дунёси ва маданияти билан таништиришдаги энг яхши восита бўлди. 1851 йилда Техронда “Дорулфунун”, яъни замонавий олий ўкув юртининг очилиши катта воқеа бўлган эди. Айнан шу ерда аввал илмий, кейинроқ бадиий асарлар таржима қилина бошланди. Европа адабиётининг кўплаб асарлари билан танишиш Эрон адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Ғарб ёзувчиларининг асарлари форс тилига таржима қилинди. Алихон Нозимуддавла томонидан таржима қилинган француз ёзувчиси Франсуа Фенелоннинг “Телемакнинг саргузаштлари” асари, Муҳаммад Тоҳир Мирза Искандарий томонидан таржима қилинган Александр Дюоманинг “Уч мушкетёр”, “Луи ўн тўртинчи” ва “Луи ўн бешинчи” асарлари, Мирза Ҳабиб Исфаҳоний томонидан таржима қилинган Даниэл Дефонинг “Робинзон Крузо”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари”, Носирузмурлук томонидан таржима қилинган Шекспирнинг “Отелло” асарлари шулар жумласидандир.

Таржима асарлар халқни ғарб жамияти билан таништиришдан ташқари, бадиий тилнинг соддалашувига олиб келди. Таржимонлар асарларни форс тилига таржима қиласи эканлар, насрда азалдан анъанага айланган жимжимадорлик, сертакаллуфлик, дабдабадорликдан ҳоли бўлган содда ва равонликка эришдилар. Бундан ташқари, кейинги давр Эрон ёзувчиларининг ижодий услуби шаклланишида таржима адабиётининг аҳамияти катта бўлди.²

Эронда анъаналар маҳдудлигининг бузилиши, яъни ғарб маданияти ва адабиётининг халқ маънавий ҳаётига кириб келиши мустамлакачилик даврларидан бошланган. Бу ҳол кейинчалик тили, урф-одатлари, дини турли хил бўлган халқларнинг ўзаро маданий алоқаларига олиб келди. Шарқнинг бой маънавий мероси ғарб маданиятига ўз таъсирини ўtkazgани каби, ғарб

¹ دکتر حمید عبد الالهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000 ص 23.

² Карап: С.Сотиболдиева. Ёзувчи услубининг шаклланишида таржима адабиётининг ўрни масаласига оид баъзи мулоқазалар. // Бадиий таржима ва адабий алоқалар. Самарқанд-2014. 34-37-с.

маданияти ҳам шарқ маданияти ва адабиётига таъсир кўрсатди. Бу тамойил умумий шаклда “Шарқ – Ғарб” мавзуси доирасида оммалашди. Бу йилларда ғарб ва рус адабиёти классиклари – Вольтер, Гёте, Горький, Толстой, Чехов, Достоевский, Арагон, Роллан, Камю, Сартр, Хеменгуэй, В.Фолкнер ва бошقا адибларнинг номлари ўқимишли доиралар гурухига таниш эди. Уларнинг асарлари таржималари нашр қилинди. Жалол Оле-Аҳмад 1960 йилларда Альбер Камюнинг “Вабо”, немис ёзувчиси Эрнст Юнгернинг “Чизиқдан ўтиш”, румин модернист драматурги Эжен Ионескунинг “Каркидон” пьесасини, Жан Пол Сартр, Андре Жид, Фёдор Достоевскийнинг асарларини таржима қилди. Таржималар устида ишлаш ва уларнинг нашр қилиниши эронлик ёзувчиларда жаҳон адабиёти тарихига бўлган қизиқишни ошириди ва уларнинг бадий тафаккури ўсишида, адабий-эстетик дунёқарашларининг ўзгаришида ижобий аҳамият касб этди. Эронлик адабиётшунослар жаҳон адабиёти даврий ривожланиш босқичларини қўриб чиқиши, муҳокама қилишни, ғарб бадиий сўз санъатининг асосий йўналишларини таҳлил қилишни бошладилар. Ғарбликларнинг ижоди ва адабий-назарий тафаккури Эрон адабий жараёнига ажралмас қисм бўлиб кириб келди ва адиблар тафаккури ва ижодига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Масалан Ромен Роллан ижодига эътибор қаратган Эрон адиблари ва зиёлилари ўз маънавий изланишларининг моҳиятини англаб етишга интилдилар. Максим Горький ижодида эса буржуа маданиятининг қабоҳатларини фош қилиб, хонавайрон бўлган ва эзилган одамларнинг туйғулар дунёсига кириб бориши Эрон адибларининг эътиборини тортиб, ўз жамиятидаги ўхшаш томонларга назар ташлашга ундаdi. Лев Толстой ижодига хос ҳалқ маданий ҳаётини очиб бериш, маънавиятдаги соғлом ва носоғлом ҳодисаларни англаб етиш масалалари адиблар дикқат марказида бўлди. Айнан шунинг учун ҳам Фаридун Тўнўкебўний Толстойнинг “Санъат ўзи нима” асарини форс тилига таржима қилди. Тўнўкебўний “ўқувчиларнинг ҳаёт хилма-хилликларини қабул қилишни ва танлаш хуқуқига эгаликни ўргатиш мақсадида уруш, қашшоқлик, гўзаллик ва қабоҳат, эзгулик ва ёвузлик, ёлғон ва ҳақиқат каби тушунчалар ҳақида ўйлашга ундаш”³ вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Эронлик машҳур ёзувчи ва адбиётшунос олма Симин Донешвар 1962 йилда ўн икки ҳикояни ўз ичига олган Антон Чехов ҳикоялари тўпламининг таржимасини чоп этди. “Чехов асарларининг форс тилига таржима қилиниши билан Чеховга хос қалам тебратиш йўлини эгаллашга интилиш, Эрон замонавий ҳикоянавислиги ривожига катта ҳисса қўшди. 70-йилларнинг энг кўзга кўринган истеъдодли ёзувчиси Ғуломхусайн

³ اندوه بی پایان، فریدون تنکبانی، تهران 1978 . ص 77

Соэдийнинг “ترس و لرز” (“Қўрқув ва титроқ”) ҳикоялар тўпламии бор миллий колорити билан Чеховга хос амалдорлар ҳақидаги ҳикояларни эслатиб туради.”⁴

Буларнинг барчаси Эрон янги авлод адабиётшунослари ва олимлари адабий-назарий тафаккури ва бадиий дидининг шаклланишида катта таъсир кўрсатди.

Ҳар бир ҳалқ адабиёти ўз миллийлиги, маънавий қадриятларини сақлаган ҳолда жаҳон адабиёти жараёнига кириб боради, ўзига хос равишда ривожланади. Шарқ адабиётида анъана ва қадриятлар масаласи тарихдан мавжуд ва янгиланиб турувчи, ўтмиш ва бугунги қун адабиёти ривожининг муҳим унсури ҳисобланади. Форс адабиётида ҳам анъана ва новаторлик масаласи адиларнинг доимо диққат марказида бўлиб келди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- دكتار حمید عبد اللاهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000
- С.Сотиболдиева. Ёзувчи услубининг шаклланишида таржима адабиётининг ўрни масаласига оид баъзи мулоҳазалар. // Бадиий таржима ва адабий алоқалар. Самарқанд-2014.
- اندوه بى پایان فریدون تتكبانى. تهران. 1978.

⁴ دكتار حمید عبد اللاهیان. کارنامه نثر معاصر. تهران. 2000 ص 102